

ISSN: 2181-4066

DOI Journal 10.56017/2181-4066

VOLUME I, ISSUE 11



JOURNAL OF PEDAGOGICAL AND PSYCHOLOGICAL STUDIES

ПЕДАГОГИК ВА ПСИХОЛОГИК ТАДҚИҚОТЛАР

**ПЕДАГОГИЧЕСКИЕ И ПСИХОЛОГИЧЕСКИЕ
ИССЛЕДОВАНИЯ**



IMFAKTOR

NOVEMBER | 2023

ISSN: 2181-4066
DOI Journal 10.56017/2181-4066

ПЕДАГОГИК ВА ПСИХОЛОГИК ТАДҚИҚОТЛАР

I-ЖИЛД, 11-СОН

ПСИХОЛОГИЧЕСКИХ И ПЕДАГОГИЧЕСКИХ ИССЛЕДОВАНИЙ

ТОМ-I, НОМЕР-11

PEDAGOGICAL AND PSYCHOLOGICAL STUDIES

VOLUME-I, ISSUE-11

ТОШКЕНТ - 2023

ПЕДАГОГИК ВА ПСИХОЛОГИК ТАДҚИҚОТЛАР

ПСИХОЛОГИЧЕСКИХ И ПЕДАГОГИЧЕСКИХ ИССЛЕДОВАНИЙ | PEDAGOGICAL AND PSYCHOLOGICAL STUDIES

№ 11 (2023) DOI <http://dx.doi.org/10.56017/2181-4066-2023-11>

Бош муҳаррир:

Нишонова З.

– психология фанлари доктори, профессор

Масъул муҳаррир:

Давлатов Ойбек Ғ.

– педагогика ф.б.ф.д. (PhD)

Таҳририят аъзолари:

1. Юсупова Хабиба Ирискуловна – педагогика ф.б.ф.д. (PhD)
2. Олимов Лазиз Ярашович – психология ф.б.ф.д. (PhD), доцент
3. Элов Зиёдулло Сатторович – психология ф.б.ф.д. (PhD)
4. Ганжиев Феруз Фурқатович – психология ф.б.ф.д. (PhD)
5. Мусаева Мухаббат Эшбаевна – педагогика ф.б.ф.д. (PhD), доцент
6. Умаров Баҳром Норбоевич – педагогика ф.б.ф.д. (PhD)
7. Орипова Раънохон Иброхимовна – педагогика фанлари номзоди, доцент
8. Ўринова Феруза Ўлжаевна – педагогика фанлари номзоди, доцент
9. Ниёзова Лутфия Худайбергандовна – дефектолог - эксперт
10. Салиева Дилором Абдуллаевна – психология фанлари номзоди
11. Останов Шухрат Шарифович – психология ф.б.ф.д. (PhD)
12. Рустамов Шавкат Шухратович – психология ф.б.ф.д. (PhD)
13. Халлокова Максудахон Эргашевна – педагогика ф.б.ф.д. (PhD)
14. Исмаилова Раъно Нураевна – психология ф.б.ф.д. (PhD), доцент
15. Саримова Дилдора Соаталиевна – педагогика ф.б.ф.д. (PhD), доцент
16. Улуғова Шахлола Муслиддиновна – психология фанлари номзоди, доцент
17. Махмудова Зулфия Мехмоновна – психология ф.б.ф.д. (PhD), доцент
18. Худайбергандов Шухрат Шавкат ўғли – педагогика ф.б.ф.д. (PhD)
19. Исматова Дилафруз Тўймуратовна – психология ф.б.ф.д. (PhD)

“Педагогик ва психологик тадқиқотлар” журнали 2022 йил 22 декабрь кунини **№ 054834**-сонли гувоҳнома билан оммавий ахборот воситаси сифатида давлат рўйхатидан ўтказилган. Мазкур журнал **6** та халқаро маълумотлар базаларида индексланган бўлиб, жорий йил учун **UIF 2023 = 8.2** “**импакт-фактор**” кўрсаткичига эга.

Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясининг 2023 йил 24 июлдаги 01-02/1199-сонли хатига мувофиқ ушбу журналда чоп этилган мақолалар **хорижий мақолалар сифатида тан олинади**.

Саҳифаловчи\Page Maker\Верстка: Абдураҳмон Хасанов

Таҳририят манзили: Тошкент шаҳар, Учтепа тумани, “Ватан” МФЙ, Чилонзор 24-мавзеси, 2/27-уй. Почта индекси 100152. Веб-сайт: www.imfaktor.uz/com

Телефон номер: +99894-410 11 55, E-mail: tahririyat@imfaktor.uz

© “ИМФАКТОР Pages” илмий нашриёти, 2023 йил.

© Муаллифлар жамоаси, 2023 йил.

ПЕДАГОГИК ВА ПСИХОЛОГИК ТАДҚИҚОТЛАР

ПСИХОЛОГИЧЕСКИХ И ПЕДАГОГИЧЕСКИХ ИССЛЕДОВАНИЙ | PEDAGOGICAL AND PSYCHOLOGICAL STUDIES

ДАВЛАТОВА Фируза Камоловна
*Низомий номидаги Тошкент давлат
педагогика университети
мустақил тадқиқотчиси*
<https://doi.org/10.5281/zenodo.10207695>

АУТЕНТИК МАТЕРИАЛЛАР ЁРДАМИДА БЎЛАЖАК ЧЕТ ТИЛИ ЎҚИТУВЧИЛАРИНИНГ СОЦИОЛИНГВИСТИК КОМПЕТЕНЦИЯЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ

АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада аутентик материаллар ёрдамида бўлажак чет тили ўқитувчиларнинг социолингвистик компетенцияларини ривожлантиришда педагогик методлар имкониятларидан унумли фойдаланиш тўғрисида сўз юритилган. Аутентлик тамойилига амал қилиш орқали талабаларнинг социолингвистик компетенциясини “Иллюстратив ақлий хужум”, “Маслоу пирамидаси”, “Биргаликда ишлаш”, “Мамлакат фахри” каби методлар ёрдамида янада ривожлантириш мумкинлиги мисоллар билан бойитилган.

Калит сўзлар: социолингвистика, аутентик материаллар, педагогик методлар, ижтимоий-маданий компетентлик, лингвистик кўникма, компетенция.

РАЗВИТИЕ СОЦИОЛИНГВИСТИЧЕСКИХ КОМПЕТЕНЦИЙ БУДУЩИХ УЧИТЕЛЕЙ ИНОСТРАННОГО ЯЗЫКА С ИСПОЛЬЗОВАНИЕМ АУТЕНТИЧНЫХ МАТЕРИАЛОВ

АННОТАЦИЯ

В данной статье говорится об эффективном использовании педагогических методов в развитии социолингвистических компетенций будущих учителей иностранного языка с помощью аутентичных материалов. Следуя принципу аутентичности, социолингвистическую компетенцию студентов можно дополнительно развивать с помощью таких методов, как “Иллюстративный мозговой штурм”, “Пирамида Маслоу”, “Совместная работа”, “Гордость за страну”, обогащенных примерами.

Ключевые слова: социолингвистика, аутентичные материалы, педагогические методы, социокультурная компетентность, лингвистическая компетентность, компетенция.

DEVELOPMENT OF SOCIOLINGUISTIC COMPETENCES OF FUTURE FOREIGN LANGUAGE TEACHERS USING AUTHENTIC MATERIALS

ANNOTATION

The article deals with about the effective use of pedagogical methods in the development of sociolinguistic competences of future foreign language teachers with the help of authentic materials. Following the principle of authenticity, student's sociolinguistic competence can be further developed through methods such as Illustrative Brainstorming, Maslow's Pyramid, Teamwork, Country Pride, enriched with examples.

Key words: sociolinguistics, authentic materials, pedagogical methods, sociocultural competence, linguistic competence, competence.

Социолингвистик компетентликнинг шаклланишида тақдим этилаётган материалнинг аутентиклиги муҳим аҳамиятга эга. Аутентик материаллар (ингл. Authentic materials) – бу мамлакатнинг реал ҳаётида ишлатиладиган тил ўрганаётганлар учун мўлжалланган материаллар бўлиб, булар жумласига газета ва журналлар, транспорт, театр учун чипталар, мактублар, реклама, радио ва телевидение дастурлари, эълонлар ва бошқалар киради. Матнлар, топшириқлар, материалларнинг тузилиши ҳам аутентик бўлиши керак. Масалан, эълон девор ёки эълонлар доскасига ёпиштирилган қоғоз кўринишида бўлиши керак, мақола-газетадан қирқиб олинган қоғоз парчаси кўринишида, таклифнома ёки табрикнома матни кўлда ёзилган бўлиши керак.

Аутентик шакл-шамоил матннинг аслигини тасдиқлайди ва бўлажак чет тили ўқитувчилари мазкур материал билан ишлаш истагини оширади. Ўқув жараёнининг аутентиклигига машғулотларда чет тилида жонли табиий мулоқотни ташкил этиш орқали ҳам эришилади. Ўқув жараёнининг аутентиклиги ҳақида сўз юритганда, информацион-коммуникацион технологияларнинг талабаларга чет тилидан аутентик мулоқот вазиятларида ҳатто ўқув жараёни доирасида ҳам фойдаланиш имконини беришини таъкидлаб ўтиш керак. Талабалар ижтимоий-маданий мавзуларни блогларда муҳокама қиладилар, аутентик видео кўрадилар ва шарҳлайдилар, ўзларининг маҳсулотларини тайёрлайдилар ва ҳ.к.

Аутентиклик тамойилига амал қилиш талабаларнинг социолингвистик компетенциясини шакллантиради, чунки аутентик материаллар тилнинг соҳибларига одатий бўлган табиий шароитларда, аутентик ижтимоий контекстда қўлланишини кўрсатиб беради ва ўрганилаётган тил маданиятига ўргатувчи самарали усул сифатида хизмат қилади.

Социолингвистик компетенция бўйича талабалар Ўзбекистон ва тили ўрганилаётган мамлакатлар халқлари маданияти ҳақида аниқ тасаввурга эга бўлади ҳамда баъзи масалаларнинг тилга боғлиқлигини англайди. Масалан, саломлашиш одати, мурожаат шакллари, хушмуомалаликнинг асосий меъёрлари ва ҳоказо, урф-одат, анъаналари, яшаш турмуш тарзига оид маълумотлар, ижтимоий вазиятларда имо-ишоранинг аҳамияти ва бошқалар.

Социолингвистик компетентликнинг шаклланиши жараёнида *кўرғазмалилик тамойили* алоҳида аҳамиятга эга. Бу тамойил талабаларни ўрганилаётган воқеа ва ҳодисаларнинг чинлигига ишонттира олади.

Э.Г. Азимов ва А.Н. Щукинларнинг методик атамалар луғатида *кўрғазмалилик* деганда, махсус ташкиллаштирилган лисоний ва нолисоний материалларни тушунтириш, тушуниш ва ундан нутқда фойдаланишни осонлаштириш мақсадида намойиш этиш англанади [1, Б.12].

Вазиятли мулоқотга ўқиб чиқилган матн, тингланган аудио материал ёки кўриб чиқилган видеога таянган ҳолда долзарб мавзуларнинг муҳокамасини ташкил қилиш орқали эришилади. Бунда талабаларнинг ўзлари баён этилаётган фактлар, воқеа ва ҳодисаларга баҳо берадилар.

Талабаларнинг тили ўрганилаётган мамлакат маданияти ҳақидаги тасаввурлари орқали манипуляциялаш (бирор бир ғаразли ниятда ёмон фикрлар билан уларнинг миясини захарлаш); маълум бир маданиятга материалнинг талабаларнинг ёши ва интеллектуал салоҳиятига мос равишда қўллашнинг мақсадга мувофиқлигини англаш; талабаларни маданий камситиш ва тажовуздан ҳимояланиш усулларига ўргатса бўладиган маданий материалдан фойдаланиш кўзланади.

Мазкур тамойилни ҳисобга олиш педагогдан ўқув материални диққат билан, синчиклаб ўрганиб танлашни тақозо этади. Масалан, тилга ўқитишда аутентик публицистик материаллардан фойдаланилганда, турли мамлакатларнинг ахборот манбаларига мурожаат қилиш зарур. Бунинг сабаби улар жаҳондаги турли муаммоли вазиятларга нисбатан турлича, баъзан қарама қарши нуқтаи-назарларни акс эттириши мумкин. Бунда талабаларни ОАВ таъсирига тушиб қолмасликка ва мустақил хулоса чиқаришга ўргатиш ҳам муҳим. Демак, чет тили ва маданиятга ўқитишда фойдаланиладиган материаллар фақат аутентик эмас, балки дидактик жиҳатдан маданий мувофиқлик тамойилига ҳам мутаносиб келиши керак.

Маълумки, матн устида ишлаш топшириқлари уч босқичга бўлинади: матн олди, матн усти ва матн ости топшириқлар [3, Б.26].

Матн олди босқичда, «ақлий ҳужум», олдиндан башорат қилиш, яъни, матн сарлавҳаси асосида матнда айтиб ўтилган муаммолар бўйича талабаларнинг бор билимларини аниқлаш, саволларга жавоблар каби машқлардан фойдаланилади. *Матн усти* босқичига жадвални тўлдириш, матн режасини тузиш, матннинг ҳар бир абзацига сарлавҳа танлаш, тушириб қолдирилган сўзларни қўйиш, тўғри/нотўғри мулоҳазаларни аниқлаш, расмларни матндаги гаплар билан бирга мувофиқлаштириш, гапларни мантиқан қайта гуруҳлаш, матнни параграфларга бўлиш ва ҳ.к. киради. *Матн ости* босқичида хулосавий фикрлар бериш, яъни матнда кўтарилган ҳар бир масалага ўз муносабатини билдириш, матн тузилишидан келиб чиқиб, бошқа жанрда ўз матнини тузиш ва ҳ.к. киради.

Бугунги кунда чет тилларини ўқитишда қўлланиладиган машқларнинг тизими нутқ фаолияти турларига боғлиқ ҳолда:

- гапиришни ўргатадиган машқлар;
- тинглаб тушунишни ўргатадиган машқлар;
- ўқишни ўргатадиган машқлар;
- ёзувни ўргатишга қаратилган машқлар турларига бўлиш мумкин.

Машқ учун танланган матнлар мавзуси талабаларнинг ёши, қизиқишлари ва эҳтиёжларини ҳисобга олган ҳолда танлаб олинган ва мамлакатшунослик ва ижтимоий-маданий жиҳатли матнларда ўз аксини топади. Матнларда тили ўрганилаётган мамлакатнинг географик жойлашуви, сиёсий тузуми, миллий хусусиятлари ҳақида маълумотлар келтирилган.

Француз тили таълими жараёнида талабаларнинг ижтимоий-маданий компетенциясини ривожлантиришда тили ўрганилаётган мамлакатнинг тарихи, халқнинг турмуш тарзи, миллий урф-одатлари каби ижтимоий ва миллий-маданий жиҳатларини ўз мамлакатининг шу жиҳатлари билан уйғун ҳолда, тенг мувозанатларда ўргатиш самарали натижаларга олиб келади, деган фикрга келдик. Бўлғуси чет тил ўқитувчиларининг социолингвистик компетенцияларини шакллантиришда ва ривожлантиришда қуйидаги педагогик методлардан фойдаланиш ижобий самара беради.

Жумладан, *тарихни ўргатиш орқали* талабаларнинг мамлакатшуносликка оид билимларини ривожлантириш йўналишида қуйидагича машқлар тизимидан фойдаланиш мумкин:

Кичик гуруҳларда ишлаш. Талабаларга расмларда акс этган тарихий шахслар буюк Амир Темур, Наполеон Бонапарт, Шарль де Голль ҳақида ҳикоя қилинган аудио матн эшиттирилади. Талаба томонидан матн асосида “*Маслоу пирамидаси*” методи қўлланилиб, 3 та буюк шахснинг тарихий, маданий жиҳатдан муҳимлиги аниқланади, асослаб берилади.

Талабаларга юқорида қайд этилган буюк шахслар яшаган даврда халқларнинг ижтимоий-маданий ҳаётини ёритиб бериш вазифаси берилади. Улар бу жараёнда ўтмиш ва ҳозирги вақтдаги тафовутларни кўрсатиб беради. Бунда талабалар бошқа тарихий манбаларга мурожаат қилиши кўзда тутилади. Вазифани бажариш жараёнида талабалар “*Биргаликда ишлаш*” методни қўллаб ўзаро маълумот алмашадилар.

Тил ҳақида маълумот бериш талабаларнинг ижтимоий-маданий компетенцияларини шакллантиришга қаратилган машқ ҳисобланади.

Талабаларга француз тилининг дунё бўйлаб ёйилиши ва бунинг натижасида тил орқали маданият ҳам турли кўринишда кўчиб ўтиши матн орқали талабаларга етказилади. Матндаги маълумотлардан келиб чиқиб, талабаларга савол берилади, бунда “*Мамлакат фахри*” методидаги реквизит билан ўтказиладиган савол-жавоб тизими қўлланилади.

Талабаларга тил орқали маданиятнинг кириб келиш йўллари топиш вазифаси берилади. Вазифани бажаришда қийинчиликлар кузатилса, уларни “*Қийинчилик галтаги*” методи асосида ўқитувчига тақдим этиш сўралади.

Кичик гуруҳларда ишлаш орқали бу саволларга талабалар жавоб тайёрлашади, тил ва маданиятнинг ўзаро таъсири очиб берилади. **Ўқитувчига:** Тил орқали ёт маданият – қўшиқ, таом, кийим, белги ва ишоралар, ҳулқ-атвор ва бошқа воситалар орқали кириб келади.

Давлат рамзларини ўргатиш талабаларнинг ижтимоий-маданий компетенцияларини шакллантиришга қаратилган машқ тури ҳисобланади.

“Рамзларга қаранг. Улар қайси мамлакатларни англатади. Сиз улар ҳақида қандай маълумотга эгасиз? Сизнингча бу рамзлар қандай ўзига хосликни англатади?” талабаларнинг ушбу саволга жавоб бериши қуйидагича амалга оширилади: Талабалар икки кичик гуруҳларга бўлинган ҳолда, Ўзбекистон ва Франциянинг асосий давлат рамзлари ҳақида муҳокама қилишади. Расмларда изоҳ бўлмагани туфайли, муҳокама “*Иллюстратив ақлий ҳужум*” методи асосида ўтади.

Кичик гуруҳ доирасида рамзларни таққослайди, рамзлар орқали мамлакатлар ижтимоий-маданий ҳаётида дунёқарашлари, тасаввурлари ҳақида тахмин қилишади. Билдирилган фикрлар кичик гуруҳларда умумлаштирилади. Сўнг ўқитувчи томонидан тақдим этилган давлат рамзларининг асл мазмун-моҳияти ўқиб эшиттирилади. Кичик гуруҳлар томонидан тақдим этилган маълумотларнинг тўғри ёки нотўғри эканлиги текшириб чиқилади ва ғолиб гуруҳ аниқланади. Бу талабаларга мамлакатларнинг тарихи ва ўтмишда халқларнинг ижтимоий ва миллий-маданий ҳаёти ҳақида маълумот олишига имконият беради

Миллий урф-одатларни ўргатишида Брейн сторнинг усулидан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир. Рус тилидаги таржимада ушбу метод “*мозговая атака*”, ўзбек тилида эса “*Ақлий ҳужум*” ёки “*фикрлар ҳужуми*” деб ҳам аталади. Ушбу методни таълим жарёнида қўллаш мавзу юзасидан фикрларни ҳеч қандай чекловларсиз, эркин баён этилишини таъминлашдан иборат бўлиб, мавзу бўйича ҳар қандай фикрни қўллаб-қувватлаш орқали, талабани фикрини шакллантириш мумкин бўлади. Психологик нуқтаи-назардан олиб қаралганда, талабаларда учрайдиган тортинчоқлик, яъни ўз фикрини тўғри ёки нотўғри эканлигига амин бўлмаслигини ҳис этиш орқали шижоатнинг сўниши каби салбий ҳолатларни олдини олади.

Масалан, талабаларга фан ёки маълум бир мавзунинг мазмун-моҳиятини очиб беришга хизмат қилувчи сўз ёки жумла доскага ёзилади. “Урф-одат” (coutumes et traditions) сўзини бериш мумкин ва у билан боғлиқ сўзлар, фикрлар талабалар томонидан тақим этилади. Бу топшириқда брейн-сторминг (фикрий хужум) усулини қўллаш талабаларнинг эркин фикр юритишлари учун яхши самара беради яъни:

1. Бевосита мавзу бўйича диққатини жамлаш;

2. Мавзу бўйича дастлабки билимлари қай даражада эканлиги билиб олиш;

3. Фан дастурида белгиланган маданиятлараро мулоқотнинг экстралингвистик жиҳатларидан бири бўлган урф-одатлар ҳақида маълумот олиш каби мақсадларга эришилади.

Талабалар томонидан турли урф-одатлар ҳақида фикрлар билдирилиб, уларнинг халқ ижтимоий ҳаётида тутган ўрни муҳокама қилинади. Муҳокама давомида муҳим тушунчалар **“Кун сўзи”** деб эълон қилинади.

Ўқитувчи томонидан турли байрамлар акс этган расмлар тақдим этилади. Талабалар расмларда кўрсатилган байрамларни батафсил чет тилида изоҳлаб беради. Бунда **“иллюстратив ақлий хужум”** методи қўлланилади.

Талабанинг социоллингвистик компетенциясини ривожлантириш учун ушбу топшириққа қўшимча равишда яна қуйидаги топшириқларни бериш мумкин:

*Расмларни кузатинг ва миллийлик акс этган жиҳатларни аниқланг. **“Мамлакат фахри”** методидан фойдаланиб давлатларнинг машҳур миллий одатлари ҳақида сўзланг.

*Сизга маълум бўлган халқаро урф-одатлар ҳақида **“Биргаликда ишлаш”** методидан фойдаланиб маълумот беринг.

Бу ҳолатда бир нарсани ёдда сақлаш лозимки, ҳар бир инсон, аввало, ўз жамиятининг турли ҳудудларига хос маданиятни чуқур билиши лозим. Ҳар бир жамиятнинг турли ҳудудларида ўзига хос урф-одатлар мавжуд бўлиб, улар бир-биридан фарқ қилиши мумкинлиги барчага маълум. Ижтимоий-маданий ёндашув нафақат ўзга маданият билан танишув, балки ўз маданиятига мурожаат қилиш орқали қиёслаш маҳоратини назарда тутати.

Талабаларга тили ўрганилаётган мамлакат байрамлари акс этган расмлар тақдим этилади.

“Иллюстратив ақлий хужум” методидан фойдаланиб, талабалар мамлакатимиз ва тили ўрганилаётган мамлакатлар байрамлари ва урф-одатларининг тафовутлар ва ўхшаш жиҳатларини ўрганиб чиқади. Қиёслаш давомида талабалар умумий ва ўзига хос белгилар, хусусиятларни ажратадилар. Бу эса тили ўрганилаётган мамлакатлар билан яқинлашиш, уни тушуниш ва унга, унинг одамлари, анъаналарига яхши муносабатда бўлишга ёрдам беради.

Талабаларга мамлакатимиз ва Франция байрамлари хусусиятлари ҳақида француз тилида аудио файл эшиттирилади. Талабалар байрам ҳақидаги маълумотлардан фойдаланиб, қайси байрам ҳақида ҳикоя қилинаётганини **“Биргаликда ҳаракат қилиш”** методига асосланиб топади.

К.Д. Ушинский таъкидлаганидек, машқларнинг маълум тизим ҳолида бўлиши уларнинг муваффақиятли қўлланилишининг энг биринчи ва асосий хусусиятидир. Машқ ва топшириқларнинг кўп сонли бўлиши ва бу ўз навбатида кўп вақт давомида бажарилиши ҳамда машқларнинг талаба-ўқувчи билим даражасига қараб танланмаганлиги машқлар тизимининг камчилиги бўлиб, бу чет тилларини ўрганиш учун тузилган машқлар тўплами кутилган натижа бермаслигининг асосий сабабидир. Амалий ва назарий жиҳатдан тил ўқитиш шарт-шароитлар яратиш муаммоси бугунги кунда ҳам жуда муҳим ҳисобланади. Буни бугунга қадар чет тил ўқитиш методикасининг маълум мақсадга йўналтирилган тўла машқлар тизимига эга эмаслиги билан изоҳлаш мумкин. Чет тил ўқитишда қўлланиладиган машқларнинг айрим турлари қанчалик самарали бўлса, улар шунчалик тил ўргатишнинг тўлиқ муваффақиятли кечишини тامينлайди. Ж.Жалолов машқлар системаси ҳақида қуйидаги фикрни келтиради: “Чет тил ўрганишни машқлар бажаришдан иборат жараён дейилса, муболаға ёки хато бўлмайди. Бу – машқнинг динамика (ҳаракат) тарафи. Унинг статика (ҳолат) жиҳати – дарсликда ўқув материали тарзида ташкил этилганидадир [4, Б.178].”

Бу мамлакатшуносликка оид матнларни танлаш, мослаштириш ва ишлаб чиқиш ҳамда талабаларни мазкур мавзу лексикасига ўргатувчи машқлар тизими заруратини юзага келтирди.

Бунда қуйидаги тамойилларга амал қилинди:

- талабаларнинг социолингвистик компетенциясини ривожлантиришга хизмат қилувчи машқлар тизимини оддийдан мураккабга қараб ўсиб бориш тамойилини таъминлаш;
- мавзулар мазмуни оралиғида узвийлигини таъминлаш;
- ўқув материалларини танлашда аутентлик ва кўргазмалиликка урғу бериш;
- ҳар бир мавзу матнларни ўзлаштиришга қаратилган машқ ва топшириқлар замонавий педагогик технологиялар асосида коммуникатив ёндашувини қўллаш асослаш;
- топшириқларни тайёрлашда талабалар дунёқарашини ривожлантириш, ижтимоий-маданий лаёқатини ўстириш мақсадида фарқли ва ўхшаш томонларни қиёсловчи топшириқларни киритиш;
- талабаларга тақдим этилаётган матн ва топшириқлар тили ўрганилаётган мамлакатнинг бугунги кундаги ҳаёти билан кўпроқ боғлиқ бўлишини таъминлаш;
- ўқув материаллари дидактик жиҳатдан маданий мувофиқлик тамойилига мутаносиб келиши;

Шуни қайд қилиш керакки, машқларни турларга ажратиш борасида методист олимларнинг фикрлари ҳар хил бўлган. Жумладан, ярим аср аввал методист олим И. В. Раҳманов “тил машқлари тил тизимига оид материални ўзлаштириш ва уни нутқда қўллашга тайёрлаш учун хизмат қилади, нутқий машқлар ўқувчини ўз фикрини бошқа тилда ифодалашга ва бошқалар фикрини тушунишга ўргатади” деб ҳисоблаб, тил машқларини нутққа тайёрловчи умумий тайёргарлик машқлари сифатида талқин этган эди [8, Б.14].

Ундан сал кейинроқ Б.А.Лапидус фикрича нутқ машқлари бевосита нутқий фаолият хусусиятларини қамраб олганлиги билан характерланса, тил машқлари нутқий мулоқот кўникмаси тараққиётини таъминлаш учун хизмат қилади” деган фикрни илгари суради [5, Б.10].

Е.И.Пассов эса “Машқларни тил ва нутқ машқларига бўлиш тил ва нутқнинг бир бутунлигига нисбатан олганда нотабиийдир” деб ҳисоблаб, ҳар қандай машқлар коммуникатив, лингвистик ва психологик хусусиятларига эга деган фикрни илгари сурган эди. Унинг фикрича, “ҳар қандай грамматик кўникмага қаратилган машқ ҳам нутққа оид хусусият – коммуникативликка эга бўлиши шарт, чунки ўзаро фикр алмашиш нутқда ўз-ўзидан грамматик шаклларни қўллашни тақозо этади. Грамматик кўникмаларсиз ўзга тилда фикр ифодалаш мумкин эмас, шу боис “машқларни тил ва нутқ машқларига ажратиш грамматик кўникмалар ҳосил қилишда самарали натижа бермайди” [6, Б.8].

Машқларни муайян изчилликда оддийдан мураккабга, оsonдан қийинга қараб такомиллаштириб боришга интилиш таълим ислоҳотидан аввалдан ҳам мавжуд эди. Жумладан, Х.Асалов талабалар нутқини ўстиришда савол-жавобдан фойдаланишни қуйидаги тарзда изчил ривожлантириб боришни тавсия этган эди: расмга қараб савол бериш, бирор буюмни тасвирлаш юзасидан ўтказиладиган диалоглар, ўрганилган матн юзасидан ўтказиладиган диалог, ўқитувчи томонидан белгиланган мавзу юзасидан ўтказиладиган диалог, инсценировка типидagi диалог ва ҳ. к [2, Б.44].

Маълумки, жаҳон тажрибасида чет тил таълимида коммуникатив ва нокоммуникатив машқлар турларидан фойдаланиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади. Е.И.Пассов фикрича, коммуникатив машқлар ҳақиқий ёки шартли мулоқот вазиятини юзага келтиришни талаб этади. Ҳақиқий коммуникатив машқлар бевосита мулоқот пайтида юзага келади [6, Б.87]. Олий таълим босқичида талабаларнинг дарсдан ташқари бажарадиган мустақил ишлари бундай машқларни амалий бажариш имконини беради ва коммуникатив машқларнинг энг ёрқин намуналари – жонли мулоқот вазиятини юзага келтиради.

Жонли мулоқот машғулотларини турли жойларда, турли мақсадларда ташкил этиш мумкин. Талабалар билан театр, музейларга бориш, уларни дўконлар, бозорларда жонли мулоқот қилишга, дарсдан ташқари тадбирларда фаол иштирок этишга ундаш табиий нутқ вазиятини келтириб чиқарадиган омиллардир, бироқ улар самарали бўлиши учун, албатта, оғзаки ва ёзма сўров ўтказиб борилиши шарт. Шартли коммуникатив машқлар машғулотлар пайтида шартли мулоқот вазиятини юзага келтиришни тақозо этади [7, Б.18].

Масалан, расм ёки видеолавҳаларни кўрсатиш ва ўзбек тилида унинг оғзаки ёки ёзма баёнини сўраш, ўйин машқларидан фойдаланиш, тақдимот дарсларини ташкил этиш, иш ўйинларидан фойдаланиш, яъни касбий мулоқот вазиятини ҳосил қилиш йўли билан ҳақиқий мулоқот шароитига анчагина яқинлашадиган шартли мулоқот шароитини ҳосил қилиш мумкин.

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, касбий соҳадаги маданиятлараро ўзаро ҳамкорлик хусусиятларини ва ўзга тилда коммуникатив компетенцияни шакллантиришга нисбатан замонавий талабларни ўрганиш бўлғуси чет тили ўқитувчиларининг ўзга тилдаги коммуникатив компетенциясини шакллантириш моделини самарали амалиётга тадбиқ этиш - социолингвистик коммуникация контекстини кенгайтириш, ўқув жараёнида технологик ресурслардан самарали фойдаланиш, амалий машғулотларда интерфаол ва коммуникатив-фаолиятли методларни қўллаш, ўқув жараёнини фаоллаштиришнинг турли усулларида, танқидий фикрлаш ва рефлексияни ривожлантириш каби усулларида фойдаланиш, ўқув жараёнининг барча босқичларида замонавий ахборот ва коммуникация воситаларини ишлатиш, талабаларнинг билимга қизиқишларини ва ички мотивацияларини ўстириш каби педагогик шарт-шароитлари мажмуини аниқлаш имконини беради.

ИҚТИБОСЛАР/СНОСКИ/REFERENCES

1. Азимов Э., Шукин А. Словарь методических терминов (теория и практика преподавания языков). СПб., 1999. – С 168.
2. Асалов Х. Саккиз йиллик рус мактабларининг 5–8-синфларида ўзбек тили дарсларида феълни ўрганиш: Пед. фан. ном. ... дис. –Тошкент: 1970. – 68 б.
3. Бим И. Обучение иностранному языку. Поиск новых путей // ИЯШ. - 1989. - №1. – С 27.
4. Жалолов Ж. Чет тил ўқитиш методикаси. -Т.: Ўқитувчи, 1996. – 368 б.
5. Липидус Б. К проблеме функциональной дифференциации языкового материала // Иностранные языки в высшей школе. – Москва: 1975. – С. 18–21.
6. Пассов Е. Основы коммуникативной методики обучения иноязычному говорению. – Москва: Просвещение, 1989. – С. 277.
7. Пассов Е. Коммуникативный метод обучения иноязычному говорению. 2-е издание. – Москва: Просвещение, 1991.– С. 18-40.
8. Рахманов И. Методические требования к учебникам иностранных языков для восьмилетней школы // Иностранные языки в школе. – Москва, 1965. –С. 28-30.

ISSN: 2181-4066
DOI Journal 10.56017/2181-4066

ПЕДАГОГИК ВА ПСИХОЛОГИК ТАДҚИҚОТЛАР

I-ЖИЛД, 11-СОН

ПСИХОЛОГИЧЕСКИХ И ПЕДАГОГИЧЕСКИХ
ИССЛЕДОВАНИЙ

ТОМ-I, НОМЕР-11

PEDAGOGICAL AND PSYCHOLOGICAL STUDIES

VOLUME-I, ISSUE-11

«Педагогик ва психологик тадқиқотлар» электрон журнали 2022 йил 22 декабрь куни № 054834-сонли гувоҳнома билан оммавий ахборот воситаси сифатида давлат рўйхатидан ўтказилган.

Муассис: «IMFAKTOR Pages» масъулияти чекланган жамияти.

Таҳририят манзили: 100152, Тошкент шаҳри, Учтепа тумани, “Ватан” МФЙ, Чилонзор 24-мавзеси, 2-уй.

Телефон номер: +99894-410 11 55

Эл. почта: tahririyat@imfaktor.uz

Веб-сайт: www.imfaktor.uz